

“ТАСДИҚЛАНДИ”
Ўз ММИ ДМ директори
Л.Ф.Сайдорипов
“ ” 2021 й.

**ИМТП-07 «Номувофиқликлар ва тўғриловчи ҳаракатларни амалга
ошириш процедураси»**

Мазкур ҳужжат Жамгарма ички ҳужжатлари таркибига киради. Ҳужжатнинг тўлигича ёки алоҳида қисмлари нусхаларга кўпайтирилиши, шунингдек, ИМТ менежери рухсатисиз корхона ходими ҳисобланмаган бегона шахсларга берилишига рухсат берилмайди. Киритиладиган ўзгартишилар, фақат, ҳужжатнинг асли ва рўйхатга олинган нусхаларидағина қайд қилиниши лозим.

Вазифа	Лавозим	Имзо	Сана	И.Ш.Ф.
Ишлаб чиқди:	Коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс назорат” Хизматининг бош мутахасиси			Хомидов.Ш.З
Келишилди:	Директор ўринбосари			Джалилов.М.Б
	Юридик бюро			Ҳакимов. X

Ҳужжат коди

ИМТП -07

**Амал қилиш
муддати**

[] дан

[] гача

Узайтирилди

[] гача

[]

Ташкент ш.

<p>O'ZBEKISTON MILLIY METROLOGIYA INSTITUTI UzNIM</p>	Ўз ММИ ДМ нинг КҚК МТ хужжатлаштирилган маълумотлари	
	Номувофиқликлар ва тузатиш ҳаракатларини бошқариш процедураси	П-07
		Таҳрир №: 01 варақ 2, жами 12

МУНДАРИЖА:

1. ЎЗГАРТИШЛАРНИ ҚАЙД ҚИЛИШ ВАРАФИ	3
2. ҲУЖЖАТНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДАН МАҚСАД	4
3. ҚИСҚАРТИШЛАР, АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР	4
4. НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАРГА ҲАВОЛАЛАР	5
5. ЖАВОБГАРЛИКЛАР	5
6. ЖАРАЁН	5
6.1 Умумий қоидалар. Номувофиқликни аниқлаш.....	5
6.2 Номувофиқликни таҳлил қилиш ва унинг келиб чиқиш сабабини аниқлаш	8
6.3 Тузатиш ҳаракатларини ишлаб чиқиш учун заруриятни аниқлаш	9
6.4 Тузатиш ҳаракатларини амалга ошириш	10
6.5 Амалга оширилган тузатиш ҳаракатларининг натижавийлигини баҳолаш	10
7. САҚЛАШ	10
8. ПРОЦЕДУРА БЎЙИЧА ЮРИТИЛАДИГАН ёЗУВЛАР	11
9. ИЛОВАЛАР	11



O'ZBEKISTON
MILLIY METROLOGIYA
INSTITUTI

Ўз ММИ ДМ нинг КҚҚ МТ хужжатлаштирилган маълумотлари

Π-07

Тахрир №: 01

варақ 3, жами 12

Номувофикаллар ва тузатиш ҳаракатларини бошқариш процедураси

1. ЎЗГАРТИШЛАРНИ ҚАЙД ҚИЛИШ ВАРАГИ

 O'ZBEKISTON MILLIY METROLOGIYA INSTITUTI <small>UzNIM</small>	Ўз ММИ ДМ нинг КҚК МТ хужжатлаштирилган маълумотлари Номувофиқликлар ва тузатиш ҳаракатларини бошқариш процедураси	П-07 Таҳрир №: 01 варақ 4, жами 12
---	--	--

2. ПРОЦЕДУРАНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДАН МАҚСАД.

Ушбу хужжатни ишлаб чиқишидан мақсад, “Ўзбекистон миллий метрология институти” Давлат муассасаси (Ўз ММИ ДМ) пора олиш-бериш билан (коррупцияга қарши) курашиш менежмент тизими (КҚК МТ) жараёнларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда, мониторинг юритиш, текшириш, таҳлил қилиш ва баҳолаш ҳаракатларини амалга ошириш натижасида, фаолиятда қўлланиладиган Қонунлар, қарор ва фармойишлар, ички ва ташқи меъёрий хужжатларда белгиланган талаблар ва қоидаларга нисбатан номувофиқликлар (хатолар, хуқуқбузарликлар) ни аниқлаш ва уларни бартараф этиш, ҳамда мазкур номувофиқларнинг институт фаолиятида бошқа қайтарилмаслигини таъминлаш учун, уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва бартараф қилишга йўналтирилган зарур тўғриловчи ҳаракатларни аниқлаш ва бажариш тўғрисидаги ягона қоидаларни белгилашдан иборат.

3. ҚИСҚАРТИШЛАР, АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР.

Ўз ММИ ДМ - институт	“Ўзбекистон миллий метрология институти” Давлат муассасаси
КҚК МТ	Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими
Хужжатлаштирилган маълумотлар	Институт томонидан бошқарилиши ва ишчи ҳолати сақланиши лозим ҳисобланган маълумотлар ва уларни элтиб берувчилар (қоғоз ёки электрон шаклдаги).
Процедура	Фаолият ёки жараённи амалга ошириш бўйича белгиланган усул, қоидалар.
Номувофиқлик	<ul style="list-style-type: none"> Фаолиятни амалга оширишдаги ҳаракатларнинг белгиланган талаблар (қонунлар ва хуқуқий, меъёрий хужжатлар) талабларига, қоидаларга мос келмаслиги, риоя қилинмаслик.
Номувофиқликни идентификатлаш	<ul style="list-style-type: none"> Ишда йўл қўйилган номувофиқлик (хато ёки хуқуқбузарлик)ни аниқланганидан кейин, маълум бир усулда белгилаш (рўйхатга олиш, далолатнома тузиш ва бошқалар).
Тўғриловчи ҳаракатлар	<ul style="list-style-type: none"> Номувофиқликнинг қайта қайтарилмаслиги мақсадида, унинг сабабларини бартараф қилиш учун амалга ошириладиган ҳаракатлар.
НХ	Норматив хужжат

 <p>O'ZBEKISTON MILLIY METROLOGIYA INSTITUTI UzNIM</p>	<p>Ўз ММИ дм нинг КҚК МТ хужжатлаштирилган маълумотлари</p> <p>Номувофиқликлар ва тузатиш ҳаракатларини бошқариш процедураси</p>	<p>П-07</p> <p>Таҳрир №: 01</p> <p>варақ 5, жами 12</p>
---	---	---

4. НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАРГА ҲАВОЛАЛАР.

- ISO 37001:2016 “ Пора олиш ва бериш билан (коррупцияга қарши) курашиш менежмент тизими. Талааблар ва қўлланма;
- П-03 “ИМТ ички аудит текширувини бошқариш процедураси”;
- П-04 “Коррупцияга оид хуқуқбузарликларни содир этиш эхтимоли мавжуд ҳолатларни аниқлаш, таҳликаларни идентификатлаш ва уларни баҳолаш, таҳликаларни бошқариш процедураси”;
- П-06 “Хизмат текширувини ўтказиш процедураси”.

5. ЖАВОБГАРЛИКЛАР.

- Ушбу ҳужжатнинг фаолиятда қўлланилиши учун институт КҚК МТ қўлланиш соҳасига киравчи Ўз ММИ дм марказий аппарати юқори раҳбарияти, бўлимлар раҳбарлари ва худудий филиаллар бошлиқлари жавобгар ҳисобланадилар.
- Ушбу ҳужжатнинг жойларда жорий этилиши ва риоя қилиниши бўйича жавобгарлик Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат хизмати бош мутахассиси – КҚК МТ менежери зиммасига юклатилган.

6. ЖАРАЁН.

6.1 Умумий қоидалар.

6.1.1. Институт фаолиятида риоя қилиниши лозим ҳисобланган талаблар ва қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар, “Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш” агентлиги ва “Ўзбекистон миллий метрология институти” давлат муассасаси қарорлари, буйруқлари ва фармойишларида ва Институтнинг КҚК МТ ҳужжатларида белгиланган.

6.1.2. Институт фаолиятида КҚК соҳасидаги номувофиқликлар қўйидаги ҳолатларда аниқланиши мумкин:


- институтнинг КҚК МТ мақсадларига эришишда таъсир қилиши мумкин ҳисобланган ички ва ташқи муаммоларни бошқариш учун белгиланган чора-тадбирлар ва яхшилаш имкониятларни амалга оширилиши мониторингги ва таҳлили натижасида (п. 4.1; 6.1 ISO 37001) ;

- институт КҚК МТ га нисбатан манфаатдор томонлар талаблари ҳамда, яхшилаш имкониятларининг бажарилиши мониторингти ва таҳлили натижасида (п. 4.2; 6.1 ISO 37001);
- амалдаги пора олиш-бериш ёки бошқа коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилиши эҳтимоли мавжуд вазифаларни аниқлаш, хавф-хатарлар (рисклар)ни идентификатлаш яроқлилиги ва натижавийлиги ҳамда, яхшилаш имкониятларининг амалга оширилишини баҳолаб бориш ва идентификатланган хавф-хатарларнинг таҳлил қилиниши натижасида (п. 4.5; 6.1 ISO 37001);
- КҚК соҳасидаги сиёsat ва мақсадларнинг бажарилиши мониторинги натижасида (п. 5.2; 6.2 ISO 37001);
- КҚК соҳасида ходимларни ўқитиш ва унинг натижавийлигини баҳолаш ҳамда, институт ходимлари ва бошқа манфаатдор томонларнинг КҚК тизими бўйича хабардорлигини баҳолаш натижасида (п. 7.2.1, 7.3 ISO 37001);
- амалдаги рағбатлантириш ва мукофотлаш механизми фаолиятини доимий равишда таҳлил қилиб бориш натижасида (п. 7.2.2.2 ISO 37001);
- КҚК МТ жараёнларининг натижавийлик қўрсаткичларини бажаришлари мониторинги натижасида (п. 8.1 ISO 37001);
- Комплекс текшириш ўтказилиши натижасида (п.8.2 ISO 37001);
- Пора олиш-бериш бўйича хавф-хатарлар бошқарилишини таъминлаш мақсадида олиб бориладиган молиявий (п.8.3 ISO 37001) ва молияга аълоқасиз яъни, таъминот, метрология хизматларини амалга ошириш, ходимлар билан таъминланганлик, қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш фаолиятлари (п.8.4 ISO 37001) назорати натижасида;
- Ўз ММИ ДМ бошқаруви остидаги ташкилотлар (худудий филиаллар) ва ишдаги ҳамкор ташкилотлар фаолиятини КҚК соҳаси бўйича назорат қилиш натижасида (п.8.5 ISO 37001);
- институт ходимларининг совғалар олиш-бериш, вакиллик тадбирларини уюштириш ёки иштирок қилиш, ихтиёрий хайр-эҳсонлар ва шуларга ўхшаш моддий рағбатлантиришлар назорати натижасида (п.8.7 ISO 37001);
- пора олиш-бериш ва бошқа коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги тўғрисида олинган хабарлар асосида тергов ўтказиш натижасида (п.8.10 ISO 37001);
- КҚК МТ нинг ISO 37001 Халқаро стандарти ва бошқа қонуний ҳамда меъёрий талабларга мувофиқлигини баҳолаш ички ва ташқи аудит текширишлари натижасида (п.9.2 ISO 37001);
- КҚК МТ фаолиятининг институт юқори раҳбарияти томонидан таҳлил қилиниши натижасида (п.9.3.1 ISO 37001);
- КҚК МТ фаолиятининг Бошқарув органи “Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш” агентлиги томонидан таҳлил қилиниши натижасида (п.9.3.2 ISO 37001);
- КҚК МТ ни норматив-ҳуқуқий талабларига мослигини таъминловчи бўлим (шахс ёки гурӯҳ) томонидан тизимнинг институт фаолиятида белгиланган

ва юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни самарали бошқаришилиши учун мос келиши, ҳамда тизимнинг жорий этилиши қанчалик самарали эканлигини баҳолаш натижасида (п.9.4 ISO 37001).

6.1.3. Аниқланган номувофиқликларни таҳлил қилиш, уларнинг келиб чиқиши сабабларини аниқлаш, номувофиқликни бартараф қилиш, тузатиш ҳаракатларини белгилаш ва амалга оширилишини назорат қилиш шунингдек, амалга оширилган тузатиш ҳаракатларининг натижавийлигини баҳолаш бўйича жавобгарлик **КҚҚ МТ менежери бошчилигига тузилган ва институт директори томонидан тасдиқланган комиссия** зиммасига юклатилган. (комиссия иштирокчилари рўйхати хар йили КҚҚ МТ менежери томонидан актуаллаштирилади ва директор томонидан тасдиқланади).

Тузатиш амалларини бажариш алгоритми



<p>O'ZBEKISTON MILLIY METROLOGIYA INSTITUTI UzNIM</p>	<p>Ўз ММИ дм нинг КҚК МТ хужжатлаштирилган маълумотлари</p> <p>Номувофиқликлар ва тузатиш ҳаракатларини бошқариш процедураси</p>	<p>П-07</p> <p>Тахрир №: 01</p> <p>варақ 8, жами 12</p>
---	---	---

6.2. Номувофиқлини таҳлил қилиш ва унинг келиб чиқиш сабабини аниқлаш.

6.2.1 Мазкур хужжатнинг 6.2 бандида келтирилган ҳаракатлар натижасида аниқланган номувофиқликларни зудлик билан тузатиш ва бартараф қилиш бўйича тайинланган жавобгар шахслар томонидан чоралар кўрилиши ва белгиланган чораларнинг амалга оширилиши **Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат хизмати раҳбари - КҚК МТ менежери** томонидан назоратга олиниши лозим.

6.2.2 **Комиссия аъзолари** иштирокида йўл қўйилган номувофиқлик оқибатлари таҳлил қилинади ва аниқланган номувофиқликнинг бошқа жойларда қайта такрорланмаслиги учун келиб чиқиш сабабларини бартараф қилишга зарурият баҳоланади.

6.2.2.1 Аниқланган номувофиқлик таҳлил қилиниши учун **Комиссия аъзолари** белгиланган муддатда таҳлил ўтказилишини таъминлашлари шарт.

6.2.2.2 Таҳлил ўтказилиши муддати аниқланган номувофиқликнинг аҳамиятига қараб **КҚК МТ менежери томонидан белгиланади ва Директор томонидан** тасдиқланади.

6.2.3 Аниқланган номувофиқликлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларни бартараф қилиш бўйича бажарилиши лозим ҳисобланган ҳаракатлар **П-07 Ф-1 “ Номувофиқликлар ва тузатиш ҳаракатларини рўйхатга олиш ”** журналида қайд қилиниши лозим.

6.2.4 **П-07 Ф-1 “ Номувофиқликлар ва тузатиш ҳаракатларини рўйхатга олиш ”** журнали **КҚК менежерида** сақланади ва **КҚК менежери** мазкур журналга тегишли маълумотларни қайд қилиш, ёзувларни юритиш бўйича жавобгар ҳисобланади.

6.3. Тузатиш ҳаракатларини белгилаш заруриятни аниқлаш.

6.3.1 **Комиссия аъзолари** томонидан, аниқланган номувофиқлик институтнинг бошқа бўлимлари, жараёнлари фаолиятида қайтарилишига йўл қўйилмаслиги зарур деб баҳоландиган бўлса, номувофиқликнинг келиб чиқиш сабаблари аниқланади, аниқланган сабабларни тузатиш ҳаракатлари белгиланиши ва амалга оширилиши бўйича жавобгарлар тайинланиб уларга етказилиши лозим.

<p>O'ZBEKISTON MILLIY METROLOGIYA INSTITUTI UzNIM</p>	<p>Ўз ММИ дм нинг КҚК МТ хужжатлаштирилган маълумотлари</p>	
	<p>Номувофиқликлар ва тузатиш ҳаракатларини бошқариш процедураси</p>	П-07
	<p>Тахрир №: 01 варақ 9, жами 12</p>	

6.3.2 Бу борада, амалга оширилиши зарур деб ҳисобланган ҳаракатлар, **Комиссия аъзолари** томонидан таклиф қилинадиган ҳар хил алтернатив таклифлар асосида аниқланади ва қабул қилинади.

6.3.3 Амалга оширилиши зарур тузатиш ҳаракатлари **КҚК менежери** томонидан **П-07 Ф-1** журналига рўйхатга олинади ва **Директор** томонидан тузатиш ҳаракатларини амалга ошириш бўйича жавобгарлар тайиналанади, муддатлар белгиланади (зудлик билан кечиктирмасдан амалга ошириш талаб қилинадиган ёки маълум бир муддат ичida бажарилиши лозим ҳисобланган бўлиши мумкин).

6.3.4 **КҚК МТ менежери** барча қайд қилинган тузатиш ҳаракатларининг бажарилиши бўйича умумий назорат олиб боради.

6.4. Тузатиш ҳаракатларини амалга ошириш.

6.4.1 Рўйхатга олинган тузатиш ҳаракатлари тўлиқ ва белгиланган муддат ичida амалга оширилиши лозим.

6.4.2 Тузатиш ҳаракатларни белгиланган муддатларда амалга оширилиши мумкин бўлмаган ҳолатларда, тузатиш ҳаракатини амалга ошириш бўйича **жавобгарларнинг Директор** номига ёзма мурожаати асосида **КҚК МТ менежери** томонидан, **П-07 Ф1** журналида қайд қилинган ҳолатда муддат узайтирилиши мумкин.

6.4.3 Агарда, тузатиш ҳаракатларининг амалга оширилиши натижасида, **КҚК МТ** нинг амалдаги хужжатларига ўзгартишлар киритилиши зарурияти туғилса, бу ўзгартишлар **П-01 “Хужжатлаштирилган маълумотларни бошқариш процедураси”** тартиби асосида амалага оширилиши лозим.

6.4.4 **КҚК МТ менежери** (хар чоракда 1 маротаба), бўлимлар раҳбарлари (хар ойда 1 маротаба) тузатиш ҳаракатларининг белгиланган муддатларда амалга оширилиши бўйича мониторинг олиб боришлари лозим.

6.4.5 Тузатиш ҳаракатларининг белгиланган талабларга мувофиқлиги ва тўлиқ бажарилишини текшириш, **КҚК МТ менежери** назорати остида **номувофиқликни аниқлаган шахс** томонидан амалга оширилиши лозим. Тузатиш ҳаракатларининг амалга оширилганлиги бўйича маълумотлар **П-07 Ф1** журналида қайд қилинади.

6.4.7 Ички аудит натижасида аниқланган номувофиқлик сабабларини бартараф қилиш мақсадида ўтказиладиган тузатиш ҳаракатлари **П-05 “КҚК МТ ички аудит текширувани бошқариш процедураси”** асосида амалга оширилади.

 O'ZBEKISTON MILLIY METROLOGIYA INSTITUTI <small>UzNIM</small>	Ўз ММИ ДМ нинг КҚК МТ хужжатлаштирилган маълумотлари Номувофиқликлар ва тузатиш ҳаракатларини бошқариш процедураси	П-07 Тахрир №: 01 варақ 10, жами 12
---	--	---

6.5. Амалга оширилган тузатиш ҳаракатларининг натижавийлигини баҳолаш.

6.5.1 Амалга оширилган тузатиш ҳаракатларини таҳлил қилишда, уларнинг белгиланган муддатларда бажарилганинига ва натижавийлиги қўриб чиқилади. Номувофиқликлар сабабларини бартараф қилиш бўйича бажарилган ишлар натижавийлиги **КҚК МТ менежери ёки Институт директори томонидан** ўтказиладиган мажлисда таҳлил қилинади.

6.5.2 Тузатиш ҳаракатлари амалга оширилганидан кейин, мазкур номувофиқлик **3 ой** давомида қайта қайтарилмаса, бажарилган барча тузатиш ҳаракатлари “натижали” деб баҳоланади. Амалга оширилган тузатиш ҳаракатлари натижавийлиги, яқин кунларда ўтказиладиган КҚК МТ нинг ички аудитида ҳам, текширилиши мумкин. Агарда, тузатиш ҳаракатлари таҳлили натижасига кўра, бажарилган ишлар натижаси “қониқарсиз” деб баҳоланса, номувофиқлик сабаблари қайтадан қўриб чиқилиши ва бошқа тузатиш ҳараткатлари амалга оширилиши белгиланиши лозим.

6.5.3 Тузатиш ҳаракатлари натижаси “қониқарли” баҳоланса, номувофиқлик тўлиқ бартараф қилинди деб ҳисобланади ва бу номувофиқлик “ёпилади”.

6.5.4 Тузатиш ҳаракатларининг бажарилиши ҳолатлари (статус) бўйича маълумотлар, **КҚК МТ менежерининг** тизим фаолияти бўйича тайёрланадиган ҳисобатига киритилиши лозим. КҚК МТ фаолиятининг **Институт юқори раҳбарияти** томонидан таҳлил қилинишида ҳам, тузатиш ҳаракатларининг белгиланган муддатларда бажарилиши ва уларнинг натижавийлиги кўрилиб чиқилиши лозим.

6.5.8 Таҳлил натижасига кўра “натижали” деб баҳоланган, тўғриловчи ҳаракатларни амалга оширишда қатнашган ходимлар, шунингдек номувофиқликларнинг келиб чиқиши **олдини олувчи амаллар** бўйича таклифлар киритган ва бу амалларнинг бажарилишида актив иштирок этган ходимлар, Институт раҳбарияти томонидан, имкониятдан келиб чиқсан ҳолатда рағбатлантирилишлари лозим.

7. САҚЛАШ.

Мазкур процедуранинг актуал қоғоз шаклидаги ва электрон версиялари, **КҚК МТ менежерида** сақланади.

<p>O'ZBEKISTON MILLIY METROLOGIYA INSTITUTI UzNIM</p>	Ўз ММИ ДМ нинг КҚҚ МТ хужжатлаштирилган маълумотлари		
	Номувофиқликлар ва тузатиш ҳаракатларини бошқариш процедураси	П-07	
		Таҳрир №: 01	
		варақ 11, жами 12	

8. ЁЗУВЛАР.

№	Ёзувлар номланиши	Ёзувни юритиш ва сақланишига жавобгар	Саклаш		Йўқ қилиш тартиби
			жойи	муддати	
1	П-07 Ф1 “Тузатиш ҳаракатларни рўйхатга олиш журнали”	КҚҚ МТ менежери	КҚҚ МТ хужжатлари папкаси	3 йил	архив

9. ИЛОВАЛАР.



Ўз ММИ ДМ нинг КҚҚ МТ хужжатлаштирилган маълумотлари

Π-07

Тахрир №: 01

варақ 12, жами 12

Π-07 Φ1

Номувофиқликлар ва тузатиш харакатларини қайд қилиш журнали